Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 93 (6205). ● 12 май, 1978 йил ▲ Ж У М А ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Германия Федератив Республикасига визити давомида қилган ишини ва сиёсий жиҳатдан муҳим бўлган ана шу визитнинг якунларини тўла-тўкис маъқуллайдилар. Европа ва халқаро проблемаларнинг кенг доираси ҳамда икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан ГФРнинг раҳбар давлат ва жамоат арбоблари билан ўтказилган музокаралар, Л. И. Брежневнинг визити натижасида қабул этилган ҳужжатлар кескинликни юмшатиш, яхши қўшничилик ва тинчликни мустаҳкамлаш ишини олға силжитишда катта қадам бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтадиларки, қўшма декларация ҳамда СССР билан ГФР ўртасида экономика ва саноат соҳасидаги узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш тўғрисидаги битим Совет Иттифоқи билан Федератив Республика ўртасидаги муносабатларга зўр стабиллик ва кенг кўлам бахш этади ҳамда шу ҳужжатлар туфайли айниқса СССР билан ГФР ўртасида 1970 йил 12 августда тузилган шартнома натижасида халқаро муносабатларда бошланган ижобий жараёнлар мустаҳкамланади ва чуқурлашади. Бу шартнома иккала давлат ўртасидаги муносабатлар учун ўзининг бутун асосий аҳамиятини сақлаб қолмоқда, Европада кескинликни юмшатишни таъминлашда, хавфсизликни мустаҳкамлашда белгиловчи омилларнинг бири бўлди ва шундай бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети визит давомида тинчлик иккала давлатнинг сиёсат бобидаги ҳаракатлари ҳам, шунингдек бошқа давлатларнинг куч-ғайратлари ҳам қаратилиши лозим бўлган олий бойлик эканлигини иккала томон тушунаётганлигини тасдиқлаганлиги ва ҳужжатлар билан мустаҳкамланганлигини мамнуният билан қайд этадилар.

Визит вақтида қилинган самарали иш Хельсинкидаги кенгашнинг якунловчи актига тўла мувофиқ равишда кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш учун, ҳам ядровий, ҳам оддий қурол-яроғлар пойгасини тўхатиш, қурол-яроғларни чеклаш, қуролсизланиш соҳасида конкрет тадбирларни амалга ошириш мақсадида жамики имконият ва воситалардан фойдаланиш учун бир томонлама ва икки томонлама, шунингдек кўп томонлама тартибда сарфланишни лозим бўлган конкрет, самарали куч-ғайратларга ҳар томонлама кўмаклашишга қаратилди. Бу соҳада реал силжишга эришиш барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушар эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Л. И. Брежнев визитининг иқтисодий соҳадаги натижаларига муҳим аҳамият берадилар. Имзоланган ҳужжатлар асосида СССР билан ГФР ўртасидаги савдо-сотиқ, саноат, техника ҳамкорлигини кенгайтириш кескинликни юмшатишнинг моддий пойдеворини жуда мустаҳкамлайди, иккала мамлакат халқлари фойдаси йўлида, меҳнаткашларнинг фаровонлиги йўлида яхши қўшничилик алоқаларини мунтазам равишда барқарор ва ўзаро манфаатли тарзда ўстиришга кўмаклашади. Тегишли совет ташкилотлари ўзаро манфаатли битимга конкрет мазмун бахш этиш, мажбуриятларни аниқ, ўз вақтида ва ташаббускорлик билан бажариш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишлари, товар оборотини анча кўпайтиришга ва биргаликдаги кенг кўламли лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилишлари зарур. Ўз-ўзидан равшанки, Ғарбий Германия томони ҳам худди шундай ҳаракат қилган тақдирдагина бу соҳада ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Совет раҳбарлари ҳамжиҳатлик, ошкоралик ва кучайиб бораётган ишонч руҳида ўтган визит якунларини муҳокама қилиб, икки томонлама муносабатларнинг сифати ва даражасини янада ошириш, бу муносабатларни Европада ва умуман халқаро майдонда стабиллик ҳамда яхши қўшничилик омилига айлантириш мақсадини кўзлаб, бундан буён ҳам шу руҳда ҳаракат қилаверишга азму қарор берганликларини изҳор этадилар.

Л. И. Брежневнинг ГФРга визити халқаро миқёсдаги катта воқеа, КПСС XXV съездининг ташқи сиёсий йўлини, партиямиз билан давлатимизнинг ленинча тинчликсевар сиёсатини амалга оширишга қўшилган яна бир салмоқли ҳисса бўлди. Бу визит сиёсий соҳадаги юмшашувни ривожлантиришда, уни қарбий соҳага ҳам ёйиш учун шарт-шароит яратишда янги босқич бошланганлигидан дарак беради. Визит якунида тинчлик ва халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлаш учун асос солинган ҳамма имкониятларни рўёбга чиқариш иккала томоннинг янада қатъият билан куч-ғайрат сарфлашини талаб қилади.

Совет кишилари Германия Федератив Республикасига қилинган визит натижаларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар, Л. И. Брежневнинг визит муваффақиятини таъминлаш учун қилган жуда катта ишини юксак баҳоламоқдалар. Бутун дунёдаги тараққийпарвар, тинчликсевар кучлар визитни мамнуният билан маъқуллаб кутиб олдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

АТРОФ-МУҲИТ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан рационал равишда фойдаланиш Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, Совет давлатининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Қонунларда ва бошқа хил норма ҳужжатларида атмосфера ҳавоси, тупроқ, ҳовузларнинг булғанишига йўл қўймаслик, табиий ресурслардан комплекс ҳолда фойдаланиш борасида министрликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотларнинг вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилган.

11 май куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг табиатни муҳофаза қилиш комиссиялари қўшма мажлисида «СССР Энергетика ва электрлаштириш министрликларининг корхоналари табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун талабларига қандай риоя этаётганликлари ҳақида»ги масалани кўриб чиқилди.

Докладларда, депутатларнинг нутқларида айтиб ўтилдики, кейинги йилларда янги қурилган электр станцияларда қурум ушлайдиган самарали установкалар ишга солинди, кўпгина станцияларда эскирган қурум ушловчи қурилмалар такомиллаштирилди. Кўпдан-кўп эски машина-ускуналар янгилари билан алмаштирилди. Бу чоралар атмосферага кул қурум чиқаришни қисқартиришга имкон берди. Ишлаб турган электр станцияларда ташқарига азот оксидлари чиқазишини камайтириш методлари тадқиқ этилмоқда. Кейинги йилларда қурилган электр станциялар ишлаб чиқариш оқиндиларини тозалайдиган янги системалар билан жиҳозланган, ишлаб турган кўпгина станцияларда бундай системалар реконструкция қилинган. Қора денгиз, Азов денгизи ва Балтика денгизи ҳавзаларини, Волга, Урал, Томь дарёларини муҳофаза қилиш борасида анчагина ишлар қилинди. Шу ҳавзаларда ишга туширилган сувни муҳофаза қилувчи 66 объект йилига 50 миллион куб метр чамаси сувни тозалайди.

Шу билан бирга министрлик ва ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш қонун талабларини бажаришда жиддий камчиликлар борлиги айтилди. Қабул қилинган қарорда министрликлар билан идораларга табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг талабларига риоя этиш борасидаги тавсиялар бор. Тозаловчи иншоотлар ҳамда чанг ва газ тутувчи установкаларни ишлатиш ва уларни қуриш устидан назоратни кучайтириш, энергетика корхоналарининг ер тўғрисидаги қарорлар ва ердан фойдаланиш тартиботига риоя этишлари устидан назоратни кучайтириш зарурлиги таъкидланади.


Мажлисда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Баркаускас, СССР Олий Совети Иттифоқи Советининг Раиси А. П. Шитиков қатнашдилар.

(ТАСС).

ТАШАББУСКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Юбилей йили социалистик мусобақаси якунлари бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритган «Оққўрғон» совхози меҳнаткашлари зарбдор йилда янги ташаббус бошладилар. Улар 260 гектар ернинг ҳар гектаридан 100 центнердан, жами 2600 тонна «қаҳрабо дон» етиштириш мажбуриятини олиб, райондаги барча маккажўхорикорларни шунга эришишга чақирдилар.

Бу мурожаатни район партия комитети бюроси маъқуллагандан сўнг ҳамма хўжаликларда 100 центнерчилик ҳаракати кучайиб кетди. Ташаббускорлар алоҳида ғайрат кўрсатиб, биринчи комплекс ишловни қисқа муддатда сифатли қилиб ўтказдилар.



ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ишчилари москваликлар ташаббусига қўшилиб СССР Конституцияси бир йиллигида уч йиллик топшириқни бажаришга қарор қилганлар. Улар иш суръатини ошириш билан бирга тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор беряптилар. Шу кунларда заводда иш қизғин. Машинасозлар қишлоқ меҳнаткашларига кўплаб пахта териш машиналарини етказиб беришга ҳаракат қиляптилар. Суратда: завод цехларидан бирини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ПЕШҚАДАМЛАР

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Правда» колхози деҳқонлари зардоб йилда 492 гектар ерга сабзавот экиб, пландаги 10 минг 500 тонна ўрнига 15 минг тонна маҳсулот олиш, ҳосилдорликни 300 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

И. Икромов бошлиқ бригадада 47 гектар майдоннинг 8 гектарига карам, 10 гектарига помидор, 5 гектарига бодринг, редиска экилди.

Экинларни сифатли парвариш қилишда механизаторлардан З. Қосимов, Ф. Қувондиқов, сувчилардан Т. Ўсаров, И. Тўхтаметов, ҳамда Р. Ражабова, Д. Юсупова, М. Йўлдошевалар, айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар. Илғор бригадалар эртаги карамни 16 майгача етиштириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

— Юксак мажбуриятни бажариш учун, — дейди хўжалик раҳбари М. Алутдинов, — бригада ва звеноларароо мусобақа ҳар томонлама қизитиб юборилди. Колхозчиларимиз ҳар гектар майдондан 100 центнердан «қаҳрабо дон». 500 центнердан кўк поя олиш учун макажўхори экилган майдонларга ишлов беришни жадал олиб бормоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

1978 ЙИЛДА ЕМ-ХАШАК ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ АНЧА КЎПАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республиканинг партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органлари, колхозлари ва совхозлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақага қўшилиб, чорвачиликни янада ривожлантириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш ва қишлоқ даврида зарур бўладиган ем-хашакни гамлаб қўйиш соҳасида астойдил иш олиб бораётганлигини таъкидлайдилар.

Бу йилги қулай шароитлар ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни, хусусан табиий ўтларнинг пичанини етиштириш ва тайёрлашни анча кўпайтириш имконини беради. Кўпгина илғор хўжаликлар озуқа экинларини барвақт юқори сифатли қилиб экиб бўлдилар, озуқа экинлари парваришини намунали ташкил этдилар, беда ва табиий ўтларни ўриб олишни ўз вақтида авж олдириб, озуқа тайёрлаш ҳамда уларни чорва молларга бериш учун тахт қилиб қўйишнинг илғор технологиясини кенг қўлландилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Ўзплодоовощвинпром», «Главсредазирсовхозстрой», «Узсельхозтехника», В. И. Ленин номли қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими ва шуларнинг маҳаллий органлари озуқа етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан бу йилги мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланмаётирлар, деб ҳисоблайдилар. Айрим районлар, колхозлар ва совхозларда пичан ўриб олиш ҳозирга қадар кучайтириб юборилмаганки, бу ўрим-йиғимнинг чўзилиб кетиш ҳамда табиий ўтларнинг қимматли озуқавий сифатларини йўқотиш хавфини тугдирмоқда. Бир қанча районларда озуқа экинларини экиш планлари ҳамон бажарилмаган, мўл ҳосил олиш учун кураш иши тегишли даражада йўлга қўйилмаган, оралиқ экинларини, аралаш экинларни ва озуқа бўладиган такрор экинларни экишни кенгроқ жорий этиш ҳисобига озуқа етиштиришни кўпайтиришга етарли эътибор берилмаётир. Кўпгина хўжаликларда экинларни парвариш қилиш, озиқлантириш ва қишлоқ хўжалиги заракунандаларига ҳамда касалликларга қарши дорилаш, пичан ўрадиган техникани тахт қилиб қўйиш, транспорт воситаларини ҳамда ем-хашак ортиш-тушириш механизмларини тайёрлаш кечиктириб юборилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1978 йилда озуқа етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришни таъминлаш мақсадида қарор қиладилар:

1. Озуқа экинларини ва табиий ўтларни қисқа муддат ичида нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишни муваффақиятли ўтказиш, озуқа тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни тўла ва ортиғи билан бажариш, ем-хашакнинг ташиб олинишини ва асралишини таъминлаш, колхозчилар ва совхоз хизматчиларининг шахсий боқимидаги молларининг ҳамда жамоат чорвачилигининг ем-хашакка бўлган эҳтиёжини қондириш учун юқори сифатли хашак ва ширали озуқа тайёрлашни анча кўпайтириш партия, совет, қишлоқ хўжалиги, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, колхозлар, совхозлар, транспорт ташкилотлари ва саноат корхоналарининг муҳим умумдавлат вазифаси деб ҳисоблансин.

2. 1978 йил учун дағал хашак тайёрлашни кўпайтириш юзасидан топшириқ 8 миллион тонна миқдорида, сенаж бостириш 2 миллион 200 минг тонна, силос бостириш 4 миллион тонна, ўт талқони ишлаб чиқариш 210 минг тонна, донадор ва брикет озуқа ишлаб чиқариш 500 минг тонна миқдорида белгилансин.

3. Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги «Ўзплодоовощвинпром», «Главсредазирсовхозстрой», «Узсельхозтехника», В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими ва шуларнинг жойлардаги органлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

хашак ўриш, тайёрлаш, сенаж, силос бостириш, витаминли ўт талқони тайёрлаш, донадор, брикет озуқалари ва хлорелла суспензияси етиштириш юзасидан топшириқлар бир ҳафта муддат ичида ҳар бир колхоз ва совхоз, бригада ва фермаларга етказилсин;

бу йил табиий ўт ҳосили мўл бўлганлигини ҳисобга олиб, табиий пичанзор майдонларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилсин, бунинг учун табиий пичанзорлар синчиклаб текширилиб чиқилсин, хўжаликларга ва бригадаларга пичан ўриладиган участкалар тақсимлаб берилиб, биркитиб қўйилсин;

меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ипатоволик механизаторларнинг тажрибаси кенг жорий этилсин, ем-хашак тайёрлаш юзасидан ҳамма жойда транспортмеханизациялаштирилган отрядлар ташкил этилсин, уларга талаб қилинган миқдорда пичан ўрадиган техника, транспорт воситалари, юк ортиш ва тушириш механизмлари ҳамда кўшилар ажратиб берилсин;

дарёларнинг соҳилларидаги, ўрмон ялловларидаги, йўл ёқаларидаги, каналлар бўйидаги ва бошқа участкалардаги мавжуд ўт-ўланни йиғиштириб олиш ҳамма жойда авж олдирилсин;

ем-хашак тайёрлайдиган механизациялашган бригадалар ва звеноларга озуқа экин майдонлари бириктириб қўйилсин, улар ўрим орасидаги муддатларни қисқартириш ҳисобига мўл ҳосил олиниши учун зарур техника, ўғитлар билан таъминлансин, бу йил беданинг кемида 5-6 марта ўриб олиниши таъминлансин, унинг озуқавий сифати йўқотилишига йўл қўйилмасин — биринчи ўрим яқин 3-4 кун ичида ўтказилсин, шундан кейин беданоялар вақтида суғориб, озиқлантирилсин;

ўрим-йиғим агрегатлари юқори малакали механизаторлар билан таъминлансин, ишларнинг сифати юқори бўлган ҳолда энг баракали меҳнат унумдорлигига эришиш ва ўрим-йиғим машиналарининг техникавий имкониятларидан иложи борича кўпроқ фойдаланиш учун қишлоқ хўжалиги механизаторлари орасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин;

дағал хашак тайёрлаш билан бир маҳалда қишлоқ бошлангунга қадар ем-хашакни фермаларга ва отарларга ташиб келтиришни тамомлаш, шунингдек уларнинг ёнғинидан ва бошқа нобудгарчиликлардан асралишини таъминлаш учун хашакнинг қишлоқ жойларига ташиб келтирилиши ташкил этилсин;

Қишки яйловларда ем-хашакнинг эҳтиёт запасларини тайёрлаш ва ғамлаб қўйиш учун зарур тадбирлар кўрилсин;

бошоқли дон экинларини ўриб олиш пайтида сомонининг тўла йиғиштириб олиниши ташкил этилсин, хашаки ва қанд лавлаги баргидан, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари чиқинларидан мол боқиш мақсадларида иложи борича кўпроқ фойдаланилсин;

суғориладиган ерларда бошоқли дон экинлари, сабзавот ва бошқа экинларнинг ҳосили йиғиштириб олиниши биланоқ озуқа экинларини такрор экиш йўлга қўйилсин, оралиқ ва аралаш экинлардан иложи борича кўпроқ фойдаланилсин, дони ва кўк пояси учун мўл ҳосил олинишини таъминлайдиган агротехника ишларининг ҳаммаси ўз вақтида амалга оширилсин. Шу мақсадларда ана шу экинларни экиш юзасидан ҳар бир хўжаликка топшириқлар етказилсин ва уларнинг парвариш қилиниши устидан тегишли даражада контроль ўрнатилсин;

озуқани юқори сифатли ва нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқларни тўла ва ортиғи билан бажарганлиги учун ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари кенг қўлланилсин.

4. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Ўзплодоовощвинпром», «Узсельхозтехника», «Главсредазирсовхозстрой», Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари:

Озуқа цехларини, витаминли ўт талқони ва донадор озуқа аралашмаларини тайёрлайдиган агрегатларни, пахта чиқиндиларини қайта ишлаш ва мол боқишга тайёрлаш агрегатларини ўз вақтида тахт қилиш ва ремонтдан чиқариш таъминлансин, омбор бинолари, сенаж ва силос асраладиган жойлар ўз вақтида тайёрланишини ва ремонт қилинсин. Колхозлар ва совхозларнинг озуқани йиғиштириб олувчи, тайёрловчи ва қайта ишловчи машиналарига техникавий хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш ишлари кучайтирилсин.

1978 йил планида кўзда тутилган чорвачилик бинолари ва озуқани қайта ишлайдиган цехларни қуриш ва ишга туширишни тезлаштириш учун зарур тадбирларни кўриш, уларнинг 1978 йил ноябридан кечиктирмай фойдаланишга топширилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

«Узсельхозтехника» ишга тушириладиган қурилишларга бунинг учун зарур бўлган технология комплекти ва бошқа асбоб-ускуналарнинг етказиб берилишини таъминласин.

5. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик органлари зиммасига пичан ўриш кампаниясини ўз вақтида ўтказишнинг муҳимлиги тўғрисида аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва кенг тушунтириш ишини авж олдириш, чорвачилик эҳтиёжлари учун зарур бўлган ем-хашак запасини яратишга эришиш, колхозлар ва совхозларнинг коллективларини, комсомоллар ва ёшларни, оталиқ корхоналари ва ташкилотларини ем-хашак тайёрлашга сафарбар этиш вазифаси юклансин. Ўрим-йиғимга, озуқа тайёрлаш ва ташишга шаҳар ва район марказининг аҳолиси жалб этилиши ҳамда шаҳар, район, саноат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳамда корхоналарининг автомобиль транспортидан кенг фойдаланиши таъминлансин. Ем-хашак тайёрлашда банд бўлган ходимларга натура билан ҳақ тўлаш кенг қўлланилсин.

6. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу йил февраль ойида қабул қилган «Республика яйловларини тубдан яхшилаш ва улардан оқилона фойдаланиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, область ва район партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети зиммасига мазкур қарорнинг қандай бажарилаётганлиги устидан контролликни кучайтириш, белгиланган тадбирлар кўрсатилган муддатларда қатъий бажарилиши учун ҳамма зарур тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

7. Экилган ўтларни ва табиий ўтларни йиғиштириб олиш озуқани қисқа муддат ичида тайёрлаш, Умумиттифоқ фонд фондига пичан ҳамда омихта ем саноатига ўт талқони етказиб бериш пешқадамларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг социалистик мусобақада голиб чиққан областларга топшириш учун битта, районларга топшириш учун иккита кўчма Қизил Байроғи таъсис этилсин.

Қизил Байроқлар ҳар ойда 1978 йил 1 июнида, 1 июлида, 1 августида ва 1 сентябрида озуқани йиғиштириб олиш, тайёрлаш ва етказиб беришдаги энг юқори кўрсаткичлари учун берилсин.

Қизил Байроқларни топшириш билан бир маҳалда ем-хашакни йиғиштириб олиш ва тайёрлашда алоҳида ибрат кўрсатган ходимларни рағбатлантириш учун областлар ва районларга пул мукофотлари берилсин.

Бундан ташқари, пул мукофотлари билан биргаликда пичан ўриш пешқадамларига сотиш учун областларга бештадан, ҳар бир районга учтадан енгил автомобиллар ажратилади.

8. Қува, Тахтакўпир, Ленин, Томди, Жиззах, Деҳқонобод, Поп, Советобод, Денов, Сирдарё, Оржоникидзе, Оҳангарон ва Хива район партия комитетларининг ташаббусини маъқуллаб, 1978—1980 йилларда чорвачиликни анча ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилсин, мазкур районлардан ибрат олиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва уни давлатга сотишни анча кўпайтириш юзасидан шундай тадбирларни ишлаб чиқиш, бу тадбирларни район партия комитетларининг шу йил май ойидаги пленумларида муҳокама қилиш ва уларнинг сўзсиз бажарилишини ташкил этиш вазифаси барча қишлоқ район партия комитетлари зиммасига юклансин.

9. Чорвачилик юзасидан шу йилнинг биринчи ярми якунларини муҳокама қилиш учун 1978 йил июль ойида илғор чорвадорлар қурултойи ўтказилсин. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. Р. Қурбонов қурултойда докладчи қилиб тасдиқлансин.

10. Область, район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Савдо, Соғлиқни сақлаш, Маданият министрликлари, «Ўзбекбирлашув» озуқа экинларини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш билан банд бўлган барча ходимлар учун умумий овқатланиш, савдо, маданий ва медицина хизмати кўрсатишни ташкил этсинлар.

11. Республика ва область газеталарининг редакцияларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига социалистик мусобақанинг боришини ва озуқа экинларини йиғиштириб олиш ҳамда тайёрлаш илғор усулларини матбуотда, телевидение ва радио орқали кенг ёритиш вазифаси топширилсин.

12. Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетига мазкур қарорда кўзда тутилган топшириқларнинг бажарилиши устидан контроллик ўрнатиш топширилсин.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалиги, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, саноат корхоналари ва транспорт ташкилотлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида қўйилган вазифаларни ҳисобга олиб, ем-хашак экинларини сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва тайёрлаш даврида аниқ иш маромига эришиш, чорвачиликни юқори сифатли озуқа билан таъминлаш юзасидан белгиланган топшириқларни тўла ва ортиғи билан бажариш учун барча тадбирларни кўрадилар, деб ишонадилар.

МЎЛДОН ҲОСИЛИ УЧУН

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область ғаллакорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан СССР янги Конституциясини қабул қилинганлигининг бир йиллигига қамида 240 минг тонна дон, шу жумладан 116 минг тонна маккажўхори донини, 57 минг тонна шолни етиштириш ҳамда давлатга камида 110 минг тонна дон сотишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Область колхозлари ва давлат хўжаликларида ҳар гектар лалмикор ердан 20 центнердан, суғориладиган ерлардан 60 центнердан бошоқли дон ҳосили, ҳар гектар майдондан 100 центнердан ва ундан ошириб маккажўхори донини ва 75—85 центнердан шолни олиш учун юқори ҳосил усталарининг ҳаракатлари авж олиб кетди.

Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозидан Қўчқор Турсунқулов, Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозидан Нортожи Эргашев, Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозидан Холида Абдураимова, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Абдулла Зиёев, Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозидан Аблай Сафаров, Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхозидан Ирисгул Жуманалиева, Тошкент районидаги Ильич номли колхозидан Турғун Аҳроров, Чиноз районидаги К. Маркс номли колхозидан Шариф Мансуров, Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозидан Мамат Сайдимамедов, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозидан Эркин Чинибоев, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозидан Раиса Тигай, Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозидан Бўрибой Нормаев ва Владимир Васильевич Цой бошлиқ бригадалар коллективлари 1978 йил ва умуман беш йилликда дон етиштириш ҳамда спфатини ошириш топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашиб, ишлаб чиқариш илғорларидан ўрнак олиб, СССР янги Конституциясини қабул қилинганлигининг бир йиллигига ва ВЛКСМ 60 йиллиги шарафига тўрт-беш йиллик планларини бажариш, ҳар гектар майдондан 20—60 центнердан бошоқли дон, 100 центнердан ва ундан ошириб маккажўхори донн, 75—85 центнердан шолн ҳосилн олиш юзасидан ташаббус билан чиқдилар.

Областнинг илғор маккажўхорикорларн ва шоликорлари ўз мажбуриятларини суғориладиган ва лалмикор ерларнинг, техника ва ишлаб чиқаришнинг бошқа восталарнинг ҳамма имкониятларидан ҳамда ишчи кучидан самарали фойдаланиш йўли билан мустаҳкамламоқдала.р

Область партия комитетн Қ. Турсунқулов, Н. Эргашев, Х. Абдураммова, А. Зиёев, А. Сафаров, И. Жуманалиева, Т. Аҳроров, Ш. Мансуров, М. Сайдимамедов, Э. Чинибоев, Р. Тигай, Б. Нормаев ва В. Цой ўртоқларнинг СССР янги Конституциясн қабул қилинганлигининг бир йиллигн ва ВЛКСМ 60 йиллиги шарафига бошоқли дон, маккажўхори донн ва шолн етиштириш тўрт-беш йиллик планнин бажарнш юзасндан қабул қилган социалистик мажбурнятларини маъқулладн.

Район партия комитетларига, область касаба союзлари Советига, область комсомол комитетига, область ташкилотларига, колхоз ва давлат хўжаликларининг раҳбарларига бу қимматли ташаббусни областнинг барча хўжаликларида кенг ёйиш, ҳар гектар лалмикор ердан 20 центнердан, суғорладиган майдонлардан 60 центнердан бошоқли дон, 100 центнер ва ундан ошириб маккажўхорн донн ва 75—85центнердан шолн ҳосилн олиш юзасидан социалистик мусобақанн кенг авж олдириш тавсия этилдн. Бу йил область бўйнча камида 240 минг тонна дон, шу жумладан 116 минг тонна маккажўхорн донн ва 57 минг тонна шолн етиштиришнн таъминлаш учун ҳар бир хўжаликда дон етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш резерв ва имкониятлари ўрганиб чиқилсин, барча бригадаларда бошоқли дон, маккажўхорн донн ва шолн ҳосилдорлнгнни ошириш учун ташкилий ва снёсий ишлар олиб борилсин.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область радиоэшиттириш ва телевиденне бош редакцияларига бошоқли ва маккажўхорн донн ҳамда шолндан мўл ҳосил етиштириш ташаббускорларининг нш тажрибаларн ва маккажўхорикорлнк ҳамда шоликчилик бригадаларн ўртасида социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш топширилди.



Қўчқор ТУРСУНҚУЛОВ,
Оҳангарон районидаги «Ангрен» совхозининг ғаллачилик бригадаси бошлиғи.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан биз ҳар гектар майдондан 60 центнердан бошоқли дон етиштирамиз. Бизнинг вазифамиз — обҳавонинг ҳар қандай шароитида ҳам бир хил ҳосил олишдир. Ўтган йилги натижалар бунга мисол бўла олиши мумкин. Баҳорнинг қурғоқ бўлишига қарамай биз ҳар гектар майдондан 13.6 центнердан дон йиғиштириб олдик.

Бу йил ҳосили учун ҳам 540 гектар майдонга куза дон сепилган. Экинлар ҳозир тез ривожланмоқда. Бу йилги баҳор арпа ва буғдойнинг яхши ўсишига шароит яратди. Биз ҳар гектар майдондан камида 20 центнердан дон йиғиштириб олиш ва ўнинчи беш йиллик планнини уч йилда бажаришни мақсад қилиб қўйганмиз.



Нортожи ЭРГАШЕВ,
Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг ғаллачилик бригадаси бошлиғи.

— Бригадамиз коллективи қир ва адрликларда бошоқли дон етиштирадилар. Бизнинг вазифамиз — обҳавонинг ҳар қандай шароитида ҳам бир хил ҳосил олишдир. Ўтган йилги натижалар бунга мисол бўла олиши мумкин. Баҳорнинг қурғоқ бўлишига қарамай биз ҳар гектар майдондан 13.6 центнердан дон йиғиштириб олдик.

Бу йил ҳосили учун ҳам 540 гектар майдонга куза дон сепилган. Экинлар ҳозир тез ривожланмоқда. Бу йилги баҳор арпа ва буғдойнинг яхши ўсишига шароит яратди. Биз ҳар гектар майдондан камида 20 центнердан дон йиғиштириб олиш ва ўнинчи беш йиллик планини уч йилда бажаришни мақсад қилиб қўйганмиз.



Ҳолида АБДУРАИМОВА,
Оҳангарон районидаги Ворошилов номли совхозининг маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи

Беш йилликнинг зарбдор йилида маккажўхори ҳосилдорлигини 110 центнерга етказиб, икки йиллик планни бажариш комсомол-ёшларимизнинг қатъий қароридир. Зотан, кўп йиллик тажрибага таяниб, буидай маррага эришиш мумкин. Ўтган йили ҳар гектар ердан 100 центнердан ошириб ҳосил кўтардик. Беш йилликнинг бошидан бери эса тўрт йиллик план даражасида дон етиштирдик.

Ҳосилдорликни маккажўхорига ишлов беришнинг илғор усулларини жорий этиш, механизация воситаларидан кенг фойдаланиш ҳисобига оширмоқдамиз. Ҳозирги кунларданоқ барча техника воситаларини ўримга шай қилиб қўймоқдамиз.



Абдулла ЗИЁЕВ,
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Мактуби кучимизга-куч қўшиб, беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат билан якунлашга руҳлантириб юборди .Мактубга жавобан гектар ҳисобига 110 центнердан «қаҳрабо дон» ҳосили олишга қатъий қарор қилдик. Бунинг учун етарли тажрибага эгамиз. Сўнгги икки йилдан бери 100 центнерлик маррани муваффақиятли эгаллаб келмоқдамиз. Беш йилликнинг икки йиллик планини 200 процент қилиб бажардик.

Бу йил ҳам етиштирилган жами ҳосилни сира нобуд қилмай қисқа муддатларда йиғиштириб оламиз.



Аблай САФАРОВ,
Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

— Кўкламнинг шу долзарб кунларида комсомол-ёшларимиз «Зарбдор йилга — зарбдор суръат» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Далаларимиз органик ўғитларга тўйдирилган. Яхши ривожланаётган ниҳоллар сифатли культивация қилинди. Механизаторларимиз қулай келган ҳар бир кундан фойдаланиб экин тагларини пешма-пеш юмшатиб турибдилар. Коллективимиз Ленин комсомолининг 60 йиллиги шарафига 106 гектар ердан камида 105 центнердан ҳосил кўтаришга сўз берган.

Юбилей йилида районимизда пешқадамлик қилган эдик. Зарбдор йилда ҳам бу мавқени қўлдан бермаймиз.



Ирисгул ЖУМАНАЛИЕВА,
Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхозининг маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи

Сўнгги йилларда колхозимизда маккажўхори экиш ва парвариш қилишга жиддий эътибор берилаётир. Дон учун экиладиган маккажўхорига алмашлаб экиш тўла амалга оширилган ерлар ажратилади. Минерал ҳамда органик ўғитлар нормаси ҳам кўпайтирилди, ишлов бериш агротехникаси такомиллаштирилди. Ўтган йили бригадамиз коллективи ҳосилдорликни 100 центнерга етказди.

Зарбдор йилда бригадамиз аъзолари Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейи шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. Мақсадимиз ҳосилдорликни камида 120 центнерга етказиб, дон етиштириш беш йиллик планини шу йилнинг ўзида бажаришдир.



Турғун АҲРОРОВ,
Тошкент районидаги Ильич номли колхоз маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

— Ўнинчи беш йиллик самарадорлик ва сифат беш йиллигидир. Бригадамиз коллективи КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, беш йилликнинг биринчи йилиданоқ маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш йўлидан бормоқда. Ўтган икки йил давомида биз маҳсулот етиштиришни 1,5 баравар ошириб бажардик. Айниқса, юбилей йилида юқори кўрсаткичларга эришилди: 60 гектар майдондан 100 центнердан дон йиғиштириб олдик.

Бригадамиз аъзолари ВЛКСМ 60 йиллиги шарафига янги марраларни белгиладилар. Ҳар гектар майдондан 103 центнердан дон йиғиштириб олинади. Бу билан маҳсулот етиштириш плани 185 процентга адо этилиб, беш йиллик плани бажарилади.



Шариф МАНСУРОВ,
Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоз маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

— Жонажон партиямиз биз комсомол-ёшларга катта ишонч билдириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан энг муҳими бўлган «қаҳрабо дон» етиштиришни кўпайтириш вазифасини юклади. Бригадамиз коллективи бу ишончни шараф билан оқлаш учун куч ва ғайратини аямайди.

Областимизнинг илғор маккажўхорикорлари мурожаатига жавобан ҳар гектар ердан камида 100 центнердан дон ҳосили олишга қарор қилдик. Ўтган йили эса ҳосилдорликни 98 центнерга етказиб, анча тажриба орттирган эдик. Бу йилги мажбуриятимизни муваффақиятли бажарсак, беш йиллик плани ҳам муддатидан илгари адо этган бўламиз.

Ҳосилни 3 та «Херсонец» машинасида йиғиштириб оламиз.



Мамат САИДИМАМЕДОВ,
Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи.

Беш йилдан бери бригадага бошчилик қилмоқдаман. Шу йиллар давомида хўжалигимизда маккажўхори экиладиган майдонлар кенгайиб, ҳосилдорлик анча ошди. Ўтган йили 115 гектар ердан 91 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик планни 160 процент бажардик.

Бу йил еримизга яна беш гектар ер қўшилди. Юқори дон ҳосили учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, зарбдор йилда ҳосилдорликни 100 центнерга етказиш мажбуриятини олдик. Социалистик мажбуриятимизда белгиланган энг муҳим шартлардан яна бири СССР янги Конституциясининг бир йиллиги кунида беш йиллик планни тўла бажарганлигимиз ҳақида она-Ватанга ғалаба рапорти беришдир. Бунинг учун шу кунларда ўзаро меҳнат беллашувини янада авж олдирмоқдамиз.



Эркин ЧИНИБОЕВ,
Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

— Юбилей йилида бригадамиз коллективи районда энг юқори маккажўхори дони ҳосили олди. Ҳар гектар майдондан 82.3 центнердан хирмон кўтарилди. Ўнинчи беш йилликнинг икки йили топшириғи 1,5 баробар оширнб бажарилди.

Бундай натижаларга эришишда қишлоқ хўжалик машиналаридан комплекс фойдаланиш ҳал келди. Экишдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунгача барча ишлар механизмлар ёрдамида бажарилади. Ҳосилни йиғиштириб олишда юқори иш унумли Херсонец-7 комбайнидан фойдаланамиз.

Бригадамиз коллективи ўз имкониятларини кўриб чиқиб, ВЛКСМ 60 йиллиги шарафига дон ҳосилдорлигини 100 центнерга етказишга қарор қилди.



Раиса ТИГАЙ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг шоличилик бригадаси бошлиғи

— 1976 йилнинг кўкламида бригадамиз коллективи ўнинчи беш йиллик планини уч йилда бажариш мажбуриятини олган эди. Ҳозирданоқ айтиш мумкинки, ваъдамизни ёруғ юз билан бажармоқдамиз. Беш йилликнинг ўтган икки йили планини 246 процентга етказиб бажардик. Планга қўшимча 750 тонна шоли етиштирдик. Ўтган йили рекорд ҳосил олдик. Гектар ҳисобига ўртача 83 центнердан шоли хирмони уюлди. Бу йил гарчи янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига шолипоямизни 106 гектарга етказган бўлсакда ҳосилдорликни пасайтирмаймиз.

Ана шу мақсадда экишга пухта ҳозирлик кўрдик. Парвариш ишларини ҳам намунали амалга оширамиз.



Бўрибой НОРМАЕВ,
Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг шоличилик бригадаси бошлиғи

Бригадамиз шолипояларида текис униб чиққан ниҳоллар дуркун ривожланмоқда. Агротехник ишловни сифатли ўтказаётганлигимиз туфайли шоли бақувват бўлиб ўсаётир. Бу бизни қувонтирмоқда. Чунки, мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин яратилмоқда.

Зарбдор йилда ҳар гектар шолипоядан камида 70 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганмиз. Бу соҳада бригадамиз аъзолари бой тажриба тўплашган. Беш йилликнинг ўтган икки йили давомида коллективимиз шоли етиштириш планини 177 процент қилиб бажарган. Бу йил СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача тўрт ярим йиллик планни бажармоқчимиз. Биз бунга ер ва техник ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига эришамиз.



Владимир ЦОЙ,
Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозининг шоличилик бригадаси бошлиғи.

— Совхозимиз шоличиликка ихтисослаштирилган. Бу шоли етиштириш технологиясини бир мунча ҳосилаштирмоқда. Биз шоли етиштиришнинг энг прогрессив методларидан, техника имкониятларидан кенг фойдаланмоқдамиз. Бу мўл ҳосил етиштириш имконини бермоқда. Масалан, бизнинг бригада ўтган йили 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 63.4 центнердан дон йиғиштириб олди. пландан ташқари 327 тонна шоли етиштирилди. Бу йил биз ҳосилдорликни 75 центнерга етказиш мажбуриятини олдик. Вазифа анча оғир, лекин бажарса бўлади.

Экишни эрта муддатларда бошладик. Ўрим-йиғим ишларини ҳам тўла механизациялаштирамиз. Ваъдамизни сўзсиз бажарамиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 11 май куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми ВЛКСМ XVIII съездининг якунлари ва республика комсомол ташкилотларининг ёшларга коммунистик тарбия беришни янада кучайтириш соҳасидаги вазифаларига бағишланди. Республика ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Г. Ғафуржонов доклад қилди.

Пленум қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ВЛКСМ XVIII съездига йўлланган илҳомбахш табрикномасини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин нутқини Ўзбекистон йигит ва қизлари завқ-шавқ билан, фахрланиб қутиб олганликлари тўғрисида гапирдилар. Съездда ёшлар олдига қўйилган конкрет ва равшан вазифалар Ўзбекистон комсомол ташкилотлари учун жанговар ҳаракат программаси бўлди.

Сўзга чиққан нотиқлар комсомол комитетларининг диққат-эътиборини ёшларга ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқ тарбияси бериш соҳасидаги бутун ишни такомиллаштириш зарурлигига қаратдилар. Ишлаб чиқариш резервларидан тўла-тўкис фойдаланиш ва маҳсулот сифатини ҳар томонлама ошириш учун мусобақа ташаббускорлари бўлган йигит ва қизларни тоширилган иш учун, олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун юксак масъулият туйғуси руҳида тарбиялаётган комсомол ташкилотлари намуна қилиб кўрсатилди. Республика қишлоқ хўжалиги ёш механизаторларининг беш йиллик учинчи йилида пахтадан, маккажўхоридан, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларидан мўл ҳосил олиш учун курашга қўшадиган салмоқли ҳиссаси ВЛКСМ XVIII съезди қарорларига бевосита жавоб бўлиб қолади, дейишди нотиқлар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. В. Григорьев ўз нутқида Ўзбекистон комсомол ташкилотининг энг муҳим вазифаларига тўхталди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов қатнашди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯНИНГ ҒОЯВИЙ ҚУРОЛИ

11 май куни Тошкентда шаҳар партия комитети ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» асари юзасидан илмий-амалий конференцнл ўтказди. Конференцияда бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, республика пойтахтининг идеология ходимлари қатнашдилар. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев доклад қилди.

Душман ҳароб қилган халқ хўжалигини тиклашнинг урушдан кейинги даври тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежневнинг эсдаликлари ғоят зўр мафкуравий куч бағишлайди, деб таъкидлади конференция иштирокчилари. «Тикланиш» номли китоб партия ходимларини, барча коммунистларни партиявий-сиёсий ишнинг қимматбаҳо тажрибаси билан қуроллантиради. Партия ташкилотларининг вазифаси, деб таъкидлади нотиқлар, шу тажрибани маҳорат билан қўлланишдан. КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга меҳнаткашларни сафарбар қилишдан иборат.

(ЎзТАГ).

Йордан МИЛЕВ (Болгария).

БАҲОР ВОДИЙСИ

Мен унинг дастлабки шеърий тажрибалари ҳақида сўзлашини илтимос қилдим. Шоир бўлишга уни нима мажбур қилди? Икки зўр шоирнинг ўртасида ўтириб, сабабини билиш мушкул бўлган нарсалар тўғрисида сўрарканман, ўзимни гапни нимадан бошлашни билмай, ийманиб об-ҳаводан сўз очган бир меҳмон, деб ҳис қилардим.

Хўш, шоир бўлишга уни нима мажбур қилди? Бу савол унинг учун янгилик ҳам эмас, ейиқаси чиққан гап ҳам эмас. Мендан аввал ҳам ундан шу ҳақда сўрашган. У ўша вақтни хотирлашга уринади. Ҳар гал турлича жавоб беради. 1923 йили қаровсиз болалар учун очилган интернатни бориб кўриб, қаттиқ ҳаяжонга тушганини эслайди. Ўзи ҳам эрта етим қолганини хотирлайди. Ўзининг ялангоёқ, очин-тўқин болалигини, оламга осмондек мусаффо кўзлар билан боқкан болалигини эсга олади. Уйига келиб, шуларнинг барини шеърга тўкиб солган экан. Шеърида ўз орзу-ўйлари, болалар кўзида кўринган бутун бир олам ҳақида сўзлабди.

Ўшанда у йигирма ёшда бўлган. Москвада Маяковскийнинг шеърлари ҳаммонинг оғзида бўлган. У бўлса Есенин тароналарини қўлдан қўймай ўқиган... Ғафур Ғулом бу ном ни тилга олди-ю, бир дақиқа тин олди. 18 ёшли йигит биринчи бор Есенинни кўрган ўша баҳор кунини эслаб кетди.

Тошкент вокзалига поезд келиб тўхтади. Вагонлардан бирининг олдида ёшлар гужғон ўйнайди. Сергей Есенин келиши маълум эди. Ёш журналист Ғафур ҳам шеърларини жон-дилидан севган шоирни кўриш учун вагон томон шошиб кетмоқда. У вагон дарасида сочлари олтинранг тараллб турган йигитга кўзи тушади. Вагондан жилмайган ҳолда ўрта бўйли, кўзлари мовийранг шоир тушиб келади. Уни перронда турган тошкентлик шоир Ширазевец қучоқ очиб кутиб олади...

Ғафур Ғулом Есенининнг адабий кечадаги чиқишини тинглайди, йиғилганлар билан биргаликда шоир сўзларини олқишлайди. Шунда у биринчи бор «алоҳида бир сафга тизилган сўзлар» одамлар қалбига сеҳрли таъсир қилишини фаҳмлайди. Гарчи у бу ҳақда тўла ишонч билан айтолмасада ҳар ҳолда худди шу дақиқада беихтиёр ўзи ҳам шеър ёзгиси келган бўлиши эҳтимол. Аммо уйига қайтган, қўлга қалам олишга ботинмайди. Орадан икки йил ўтгандан сўнггина у қўлига қалам олишга жазм қилади. 1931 йилда эса китобхонлар қўлига биринчи шеърлар тўплами бориб етади.

Ўша куни тун сукунатига қулоқ бериб, ҳаёлим Есенин билан банд бўлди. Есенинни жуда севган Мақсуд Шайхзода менга ёрдамга келди. Агар Ғафур Ғулом ижодида Маяковский йўлидан борган бўлса, Мақсуд Шайхзода шеърларида Есенинга хос қандайдир бирик оҳанг бор. Есенин билан ўша биринчи учрашув ҳақида тўлароқ маълумот олишни истардим. Аммо вақт ўтган, бир кўп воқеалар хотирада ўчиб кетган. Фақат вокзалдаги учрашув, Есенининг перронда Ширазевец билан қучоқлашиб кўришгани, адабий кечагина эсида қолган. Кейин газета ишлари билан банд бўлиб кетиб, буюк шоирнинг қачон жўнаб кетганини ҳам сезмай қолган.

— Ўша пайтда,— хотирлайди шоир,— Сергей Есенин ҳозир биз биладиган даражада майдонга чиқмаганди. Бу воқеа 1921 йилда бўлган, яъни ўша вақтда ҳали «Анна Снегина», 26 комиссар ҳақидаги баллада ёзилмаган, «Форс тароналари» ҳам битилмаган, шоир ҳали ўзининг Шоҳинасини учратмаган эди.

— Ғафур, сен нима дейсан, —гапга аралашади Мақсуд Шайхзода,— Тошкентнинг маълум даражада шу «Форс тароналари» билан боғлиқ жойи йўқмикин?...

Бу масала мени ҳам қизиқтириб келди. Ўшанда мен Есенининг ўлмас асарлари яралган бир кўп йўллар бўйлаб қиладиган сафарим худди шу ердан бошланишини билмаган эканман. Ўшанда мен Есенин бўлишни орзу қилган жойларни кўришим мумкинлиги ҳақида ўйламаган ҳам эдим. Ўша вақтда кеч куз кунларидан бирида Кавказ тоғлари устидан самолётда учиб ўтиб, Шоҳина яшаган уйни кўришим, сўнг эса Шеърозга ўтиб, Болия кимлигини билиб олишим мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтирмасдим.

— Бунга ишончим комил,— жавоб беради Ғафур Ғулом, — Худди шу Тошкентда туриб, Есенин ўз ижодида биринчи бор форс наъми билан танишган, қадрдон тупроқида шу поэзиянинг энг зўр вакиллари ижодиёти билан танишган, Қоракўз Шоҳ гўзалларининг кўз қарашларидан кейинчалик Шоҳина яралган.

— Аммо лекин,— гап қайтаради Мақсуд Шайхзода,— Есенин Шарқ шоирларини Москвада туриб ҳам, бошқа жойларда ҳам ўқиган бўлиши мумкин-ку, ахир. Шарқ китоблари қар бир кутубхонада бўлган...

— Мен ҳам шундай дедимку,— дейди хотиржамлик билан Ғафур Ғулом, — уларни Есенин ҳамма жойда ўқиб юрган бўлиши эҳтимол. Аммо, сўнг эса Шеърозга ўтиб, Болия мамлакатининг ўз жонажон муҳитида кўра билиш, уларни ҳақиқий воқеадек бошдан кечириш даркор. Ширазевецдан катта шоир чиқмади, Есенин туғма истеъдоди, ўз шахсий фожеаси туфайли бошқалар эплолмаган ишнинг уддасидан чиқолди. Мана гап қаерда!

Бундай суҳбатлар кейинги кунларда ҳам давом этди...

Ўша вақтда мен Тошкентда шоирнинг қизи Татьяна Есенина яшашини биладирам. Мени у билан Ғафур Ғулом таништирди. Татьяна Есенина менинг қўлимга гўё шундай бир қалитни топширдики, шу калит билан Ботуми, Боку, Шеъроздаги бир кўп уйларнинг эшигини очишга муваффақ бўлдим...

[ДЎСТЛИК МИНТАҚАЛАРИ» китобидан И. СУЛТОНОВ таржимаси].

[Охири. Боши газетанинг 11 май сонида].

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхозининг Исмат Беркинбоев бошлиқ илғор бригадаси аъзолари бу йил 50 центнерлик марра учун курашмоқдалар. Улар текис ундириб олинган ниҳолларга агротехник қоидалар асосида ишлов бериб мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Суратда: (ўнгдан) колхоз раиси Шарифжон Абдураҳмонов билан бригада бошлиғи Исмат Беркинбоевлар гўзани кўздан кечирмоқдалар.

Ҳ. Аввалов фотоси.



МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

ЎНИНЧИ беш йилликнинг зарбдор учинчи йили зарбдор суръат билан одимламоқда. Пойтахт областимизнинг саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидан руҳланиб, социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Ҳар бир меҳнат коллективида ўтган йил маромини сақлаб қолиш, самарадорлик ва сифатни янада ошириш тадбирларини ишлаб чиқаришга жорий этишга ҳаракат қилинмоқда.

Редакциямизга ишчи ва штатсиз мухбирлардан келаётган кўплаб хатларда мана шу соҳада қўлга киритилаётган муваффақиятлар, ишлаб чиқариш илғорлари, пешқадам корхоналар, цехлар, бригадалар фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади.

Ж. Қурбонбековнинг «Ишга ижодий ёндошиш самараси» сарлавҳали корреспонденциясида Ўрта Чирчиқ районидаги «Спецмонтажводстрой» трести ёрдамчи корхоналар бошқармасининг меҳнат муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бошқарма коллективи ойлик план топшириқларини мунтазам ошириб бажармоқда. Участкалараро мусобақада Д. Менглибоев бошлиқ коллектив пешқадамлик қиляпти. И. Дидин, Е. Дубов, Н. Житков каби илғор ишчилар зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишлашяпти.

П. Эргашев ва **Б. Йўлдошев**лар Алимкент пахта тозалаш заводининг илғор ишчиси, Ленин ордени ва «Ҳурмат белгиси» орденининг кавалери Нишонбой Нурматовнинг мураббийлик фаолиятини ёритишга ҳаракат қилишган. Нишонбой ака шу кунгача элликдан ортиқ шогирдга прессловчи касбини ўргатибди. Бўстонлиқлик **А. Иброҳимов** «Узсельхозтехника» район бирлашмасида 35 йилдан буён ишлаб келаётган Ю. Дорошченконинг фидокорона меҳнат йўлини ҳикоя қилади. Шунингдек, бу автор «Моҳир тикувчи» сарлавҳали материалида райондаги рўзғор химияси фабрикасининг тикувчиси Ҳадича Сариева тўғрисида ёзган. Бу моҳир тикувчи шахсий беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажариш мажбуриятини олиб ишламоқда.

Штатсиз мухбир **К. Мусамуродов** Олмалиқ геология-разведка экспедициясининг бургулаш станоги машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони эса пойтахтдаги 1-пойафзал фабрикасининг ташаббускор ишчиси К. Расуловнинг муваффақияти сирларини очиб беришга ҳаракат қилган.

Юқорида номлари тилга олинган қатор корреспонденцияларнинг характери бир хил —айрим илғор ишчилар тўғрисида. Муаллифлар ёзиш учун яхши, муносиб қаҳрамонлар топишган. Бироқ, уларнинг бошқаларга намуна бўладиган фаолиятларини, илғор тажрибаларини, пешқадамликка чиқиш йўлидаги ташвиш ва қувончларини қисман бўлса-да кўрсатишмаган. Айрим кишилар ҳақида ёзганда юзакиликдан қочиш керак. Бундан ташқари, қаҳрамоннинг таржимаи ҳолини бошдан-оёқ хроник тарзда ёзиш ҳам шарт эмас, асосан унинг иш тажрибасини очиб беришга эътибор бериш лозим.

Редакцияга мактуб йўллаган **Б. Ғаниев, П. Эргашев, Г. Исоқова, М. Мирзоҳидов**алар турли транспорт корхоналарида меҳнат қилаётган айрим илғор шоферлар тўғрисида худди шундай хабар тариқасидаги материаллар ёзишган. Бу материалларда ўша шоферларнинг исм-фамилияси-ю, қаерда ишлаши ва планни неча процент бажараётгани айтилган холос. **Х. Омонов** ва **Ш. Ҳидоятов**ларнинг қурилиш ташкилотларидан ёзган хабарлари ҳам шу характерда.

Редакцияга мактуб йўллаётган ҳар бир жамоатчи мухбир ёзаётган объекти, коллективи ҳамда қаҳрамонлари билан яхши танишиши, фактни ва воқеаларни атрофлича ўрганиши зарур. Шундагина бу хатхабарлар газета саҳифаларида ўз ўрнини топади, газетхонлар эътиборига сазовор бўлади.

Х. ОЛИМЖОНОВ.

(ИШЧИ МУХБИРЛАРНИНГ ХАТЛАРИНИ ЎҚИБ)

Шокир Болтабоев бригадасининг меҳнат фаолиятини яхши очиб берган. **И. Зимининнинг** корреспонденцияларида ҳам танланган объектни яхши билиш, ёзаётган қаҳрамонининг кўнгил ва ташвишларини ақлидан ҳис эта олиш каби фазилатлар кўзга ташланади.

Тошкент гўшт комбинатининг бухгалтери **Х. Содиқов** шу корхона назоратчиси Мурод Қосимовнинг фаолиятини, меҳнат муваффақиятларини қоғозга туширишга ҳаракат қилган. Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг студенти **А. Рисбеков** «Чирчиқсельмаш» заводининг электр пайвандчиси Ускан Зухуровнинг мазкур корхонадаги 23 йиллик меҳнат фаолиятидаги ютуқлар билан ўқувчини таништиргиси келади. **Б. Аксанич**

ЯНГИ АНЪАНАЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

КПСС XXV съезди халқимиз олдига ғоявий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш учун қатор вазифаларни қўйди. Шу вазифалар комплексида янгича маросимлар, турли анъаналар ва урф-одатларни турмушга тадбиқ этиш, меҳнат кишиларини янгича анъаналар руҳида тарбиялаш муҳим ўрин тутади.

Районимиздаги Тельман номли колхоз партия ташкилоти ҳамда ўтюрак комсомоллар бу соҳада ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Колхозда бир неча йиллардан бери иш олиб борилаётган хотин-қизлар Совети аъзоларининг фаолияти ҳам мақтовга лойиқдир.

Колхоз хотин-қизлар ва янгича урф-одатларни тарғиб қилиш Советларининг аъзолари ёшларни меҳнатсевар бўлиб етишуви масаласига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Улар даврасига меҳнатдан бахт-иқбол топган кишиларни чорлаб, қизиқарли, мароқли суҳбатлар ўтказмоқда. Бундай суҳбат ва учрашув кечаларида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, дондор пахтакор Ҳ. Кодировнинг тез-тез иштирок этиши ёшлар ҳаётида муҳим роль ўйнаётир.

Ҳозирги кунда колхоз кўчалари чорғонлашиб бормоқда. Турли турар жой биноларни ҳад кўтараяпти. Меҳнаткашларга колхоз томонидан 57 та бир ва икки квартирали уйлар қуриб берилган. Турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек тотув меҳнат қилмоқдалар.

О. ИЗЗАТУЛЛАЕВ,
Пискент райони.

МАҚСАДЛАРИ УЛУҒ

КИРОВ номли колхознинг П. Турсунова етакчилик қилаётган 7-бригадаси аъзолари кўкламги дала ишларини қизғинлик ибодирлар. Улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактубидан руҳланиб, 80 гектар пахта майдонининг ҳосилдорлигини 42 центнерданга етказишга аҳд қилишди.

Чигит сифатли яганалаганлиги туфайли гектарлаб тўла, ҳар гектар ерда 140—150 минг туп кўчат мавжуд. Ҳозир парвариш тўлиқ агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда.

М. УСМОНОВ,
А. ОРИПОВ,
Чиноз райони.

ҚЎЗИЛАТИШ ИЛҒОРЛАРИ

Ғазалкентдан Қорамозорга кетаверишдаги кенг асфальт йўлнинг икки ёни бахмал тўнга бурканган. Енқараш, Шумшасой, Белдерсой яйловлари хўжаликнинг минг миқлаб қўй-қўзиларини ўз бағрига олган. Бу ерлар бутун меҳнатини, қалб қўрини, ҳароратини жамоат чорвачилигини ривожлантиришга, уни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшаётган олий-ҳиммат кишилар маскани. Айдарбек Кушкинбоев ана шундайлардан бири.

Айдарбек аканинг қўраси у қадар узоқда эмас. Суви бўтана бўлиб оқаётган сойнинг шундоққина тепасига жойлашган. Баҳор сойни ҳаддидан ошириб юборгандек тўлдириб-тоширган.

Бир гала қўй-қўзилар пастликка — сой бўйига тушиб сув ичаяпти. Юқоридан чўпоннинг овози эшитилади:

— Қурей, қурей...

Қўй-қўзилар яна яйлов томон йўл олишади.

Мана шулар бош чўпон Айдарбек Кушкинбоев отарининг бир қисми. Тажрибали чўпон ўз отарини олти группага бўлиб алоҳида-алоҳида парваришламоқда.

А. Кушкинбоев чорвачиликда бой тажриба орттирган. У қариб 30 йилдан бери чўпонлик касбини эъзозлаб келмоқда. Тажрибали чўпон бошчилик қилаётган отарда ҳам, хўжаликда ҳам йил сайин совлиқлардан олинадиган қўзилар сони ортиб бораётир. Эндиликда Айдарбек аканинг кўксини безаб турган икки Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, қатор медаллар меҳнатда эришган улкан ютуқларидан нишона.

Хўжаликнинг кўпгина чўпон-чўлиқлари бу касбнинг илк сабоқларини Айдарбек акадан ўрганишган. Тажрибали чўпоннинг кечаги шогирдлари эндиликда бош чўпон сифатида мустақил ишлашмоқда. Зарқул Рисқулов, Қувват Тансибоевлар ана шулар жумласидандир.

Айни кунларда отарда қўзилатишнинг авжи қизиган пайти бўлганлиги учун бош чўпоннинг ҳам, у билан ёнма-ён ишлаб касб маҳоратларини ўрганаётган Сайдулла Тўлаев, Абдуманнон Дуйсенов, Пардабек Қуттибоевларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Ердамчи чўпон бир гуруҳ қўй-қўзиларни яйловларда яйратиб юрибди. Сақмончилар янги туғилган қўзиларни ҳисобга олиш,— номерлаш, уларни алоҳида ажратилган хоналарга олиб бориш билан банд. Шунисн қувончлики, олинаётган қўзиларнинг кўпчилиги эгиз.

— Совлиқлардан кўплаб эгиз қўзи олишнинг асосий омили нимада?— сўраймиз бош чўпон Айдарбек Кушкинбоевдан.

— Биз аввало, совлиқларнинг семиз ва соғлом бўлишлари учун куч-ғайратларимизни аямай меҳнат қиламиз,— дейди у. Табиийки, соғлом совлиқдан соғлом қўзи олинади. Боқилаётган қўйларнинг зотдор бўлиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда колхозимиздаги мавжуд «Меринос» зотли қўйларни «Крозберд» зотли қўйлар билан алмаштирмоқдамиз. Бу зот ҳам гўшт боп, ҳам сержун. «Крозберд» зотли қўйлар гўштга топширилганда ўртача тирик вазни 50—55 килограммни ташкил этади. Ҳар бир қўйдан ўртача 3,5—3,8 килограммгача жун қирқиб олиш мумкин. Бу қўйлардан насл олишнинг ҳам бир мунча афзалликлари бор. Ҳозир отарнмиздаги қўйларнинг кўпчилик қисми зотдордир.

Суҳбат пировардида бош чўпон зарбдор йил учун қабул қилинган юксак мажбуриятлари ҳақида гапириб берди.

Тажрибали чўпон бу йил ҳар юз бош совлиқдан 130 тадан қўзи олиш учун курашаётир. Бунинг учун барча резерв ва имкониятлар ишга солинмоқда.

— Колхозимизда Айдарбек Кушкинбоевдан ўрнак олиб, қўзилатиш мавсумини намунали ўтказаётган чўпонлар анчагина,— дейди колхоз раиси Фозил Разов.— Ана шундайлардан бири Абдуманнон Мўминовдир.

Абдуманнон Мўминов бу йил қўзилатишда улкан натижаларни қўлга киритмоқда. Ҳозиргача ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига 135 тадан қўзи олди. Бу социалистик мажбуриятда кўзда тутилганига тенгдир. Отарда қўзилатиш давом этмоқда. А. Мўминов ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳар 100 бош совлиқдан 140 тадан қўзи олиш учун курашаётир.

Абдуманнон аканинг укаси Мамур Мўминов бош бўлган отарда ҳам қўзилатиш мавсуми уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Чотқол тоғ тизмаларининг саҳоватли қир-адирларида Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхознинг 17 минг бошдан знёд қўй-қўзиси боқилмоқда. Долзарб палла — қўзилатишни уюшқоқлик билан ўтказаётган колхоз чўпонлари бош йилликнинг зарбдор йилида ҳар 100 бош совлиқдан планда белгиланган 95 ўрнига 105 тадан қўзи олиш учун курашмоқдалар. Улар ана шу юксак маррани эгаллаш арафасида туришибди.

Колхоз чорвадорлари ҳозирданоқ жун қирқими, давлатга гўшт топширишга пухта тайёргарлик кўришаётир. Чўпонлар бу йил ҳар бир қўйдан камида уч килограммдан жун қирқиб олиш мажбуриятини олишган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидан руҳланиб меҳнат қилаётган колхоз чўпонлари давлатга чорва маҳсулотлари топшириш йиллик планларини СССР Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигигача бажариш учун барча резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланишмоқда.

М. ТОЗИЕВ,
Р. ШЕРАЛИЕВ.

РЕПОРТАЖ

ПЕНЗАДА—«ЎЗБЕКИСТОН»

Серқуёш Ўзбекистонимиз ноз-неъматларининг донги узоқ-узоқларга таралган. Энди ўлкамизда етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларидан Пенза шаҳри аҳолиси ҳам баҳраманд бўлиш имконини олди. Бу ерда «Ўзбекистон» магазини очилди.

700 квадрат метр майдонни эгаллаган савдо залида гастроном ва бакалея, мева ва сабзавот бўлимлари ишлаб турибди. Республикамиз кооперацнячилари пензаликларга янги-янги маҳсулотлар юборишяпти. Қурутилган мевалар, ёнғоқ, пахта мойи, турли-туман ширинликлар харидорларга манзур оулмоқда.

Тез кунларда шаҳар аҳлига яна бир совға топширилади. Магазин қошида чойхона қурилмоқда. Бу ерда ўзбек халқ таомлари, жумладан палов, шўрва, ҳар хил нон маҳсулотлари тайёрланади. Пензаликлар бу янгиликлардан беҳад мамнунлар.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

НАСЛЛИ СИГИРЛАР ЕТИШТИРАМИЗ

Партия ва ҳукуматимиз чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишга доимо катта эътибор бериб келмоқда.

Кейинги йилларда, айниқса, наслчилик ишларини яхшилаш бўйича катта ишлар қилинди. Буни бизнинг хўжалигимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам маҳаллий иқлим шароитига мослашган зотли сигирларнинг афзаллиги ниҳоятда каттадир.

Бизда бу ишнинг асосан 1977 йилдан бошланди. Аввало махсус бинолар қуриб битказилди. Бу биноларда ёш бузоқларни парвариш қилиш учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Биз колхоз ва совхозлардан туғилганига ўн кун—бир ой бўлган бузоқларни сотиб оламиз. Бу жониворлар икки ёшга етгунча боқилиб, сўнг қочирилади. Бундай сигирлар, сўнгра хўжаликларга сотилади. Ёш бузоқлар тирик вазнда ҳар килограмми учун 3 сўм 50 тийин ҳисобидан сотиб олинади. Қочирилган ғўнажинлар эса тирик вазнда килограмми уч сўмдан сотиляпти.

Ўтган йили биз салкам 200 га яқин бузоқни парваришладик. Дастлабки натижа кувончли бўлди. Яқинда Қуйибишев номли колхоз биздан 37 бош зотли сигирни харид қилиб олди. Август ойига қадар 70 бош ғунажин ҳам серсут сигир бўлиб етилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларнинг натижаси қуйидагича бўлди: бир бузоқни сотиб олиш, парвариш қилиш учун бўладиган сарф-харажат меҳнат ҳақлари билан қўшиб ҳисобланганда 700 сўмни ташкил этди. Бу бузоқ сигир ҳолига келтирилиб, ўрта ҳисобда 1100 сўмдан сотилди.

Ҳозир фермамизда 100 бош сигир бор. Улардан соғиб олинадиган сут асосан ёш бузоқларга берилаяпти. Ҳар бир бузоқ икки ярим ойлик бўлгунга қадар уларга 370 килограммдан сут сарф бўлмоқда.

Шундай қилиб, колхозимизда чорвачилик асосан зотли сигирлар етиштиришга ихтисослашиб бормоқда. Кейинчалик 1500 бош бузоқ боқиладиган йирик комплекс вужудга келади. Ҳозирги кунда янги бузоқхоналар қуриш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Чорвадорларимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг мактубидан руҳланган ҳолда ўзаро мусобақани кун сайин авж олдирмоқда. Улар астойдил меҳнат қилиб, бир кеча-кундузда ҳар бир бузоқнинг 450—500 грамм семиришига эришмоқдалар.

Хўжаликларга зотли, серсут, серқаймоқ сигир етказиб бериш учун ўз ишларимизни бундан буён янада такомиллаштириб борамиз.

Т. ШЕРНАЗАРОВ.
Оққўрғон районидаги Навоий номли колхознинг бош зоотехниги.

ДЕПУТАТ БРИГАДАСИДА

2-«Пискент» совхози 2-бўлимининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ҳадича Иброҳимова бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 130 кутн қурт уруғидан 130 килограммдан ҳосил олишга аҳд қилганлар. Пиллакорлар ҳозирги кукларда парваришни намунали олиб боришяпти.

— Бу йил икки тонна «кумуш тола» топширамиз, — дейди бригада раҳбари,— Ҳолбувн Аҳмедова, Тўхтахон Мирзаева ва Шарофат Омонова сингари тажрибали пиллакорларимиз эса ҳар қути қурт уруғидан 150 килограммдан ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.
Пискент райони.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган расмий визити якунлари халқаро жамоатчилик ва матбуотнинг диққат марказида турибди. Кўп мамлакатларнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, оммавий ахборот воситалари визит якунларини муҳокама қилиб, бонида олий даражада ўтказилган музокаралар самарали натижалар берди, бу музокаралар ҳар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Европада ва бошқа қитъаларда тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги янги муҳим босқич бўлди, деб таъкидламоқдалар.

✦ БОНН. Германия Социал-Демократик партиясининг Раиси Вилли Брандт бундай деди: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити вақтида олиб борилган музокаралар, шу визит пайтида тузилган битимлар халқаро кескинликни юмшатиш сиёсатига шубҳасиз, янги мадад беради. У Германия Социал-Демократик партиясининг «Парламентаришполитишер прессединст» матбуот-бюллетенида босилган суҳбатида ГФР ҳам, СССР ҳам қуролланиш пойгасини чеклашга доир мураккаб проблемалар билан жиддий шуғулланиш ниятида эканлигини билдирдилар, деб таъкидлади.

✦ БЕРЛИН. Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг органи «Нойес дойчланд» газетаси Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити якунларига «Европада тинчлик йўлидаги катта воқеа» деб баҳо беради. Бу визит, деб ўқтириб ўтади газета, тинчликни мустаҳкамлаш, қуроллайиш пойгасини жиловлаб қўйиш, Европада кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди. СССР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан олиб борилган музокараларнинг натижалари Европада тинчликни таъминлаш учун шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эгадир.

✦ СОФИЯ. Болгариянинг «Работническо дело» газетаси ёзади: олий даражадаги Совет-Гарбий Германия музокараларининг якунларини анализ қилганда, КПСС ва Совет давлатининг раҳбари жуда муҳим халқаро проблемаларни ва икки томонлама ҳамкорлик масалаларини ҳал этишга амалий, реалистик ёндошганлигини айтиб ўтиш керак. Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити СССР ташқи сиёсатининг чуқур тинчликсеварлик ва конструктив характерда эканлигини, совет давлати ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида жуда катта роль ўйнаётганлигини бутун дунёга очиқ-равшан намойиш қилди.

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

БРЮССЕЛЬ. (ТАСС). Бельгия пойтахтида Европа-хавфсизлиги ва ҳамкорлиги учун курашувчи халқаро комитетнинг мажлиси очилди. Мажлис ишида 13 халқаро ташкилот ва 20 мамлакатнинг вакиллари, шу жумладан совет жамоатчилиги делегацияси қатнашмоқда.

Бир қанча мамлакатларнинг, шу жумладан Польша, Болгария, Чехословакиянинг вакиллари мажлисда сўзга чиқиб, қуйидагиларни якдиллик билан таъкидлаб ўтдилар: Белграддаги учрашув ўз вазифасини бажарди: у якуловчи акт қоидалари ва принциплари мустаҳкам эканлигини тасдиқлади, кескинликнинг юмшатилишига ёрдам берди, янги тинчлик ишига наф келтирди.

Халқларнинг тинчлиги, социал-иқтисодий тараққиётига хавф туғдираётган қуроллаиниш пойгасини тўхтатиш — ҳозирги пайтнинг асосий вазифасидир.

Турли мамлакатларнинг делегатлари, шу жумладан ГФР вакиллари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг яқинда ГФРга қилган визити якунларига юксак баҳо бердилар. Уларнинг айтишича, бу визит кескинликни юмшатиш принципларини мустаҳкамлашга, қуролсизланиш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ қуввачилари 800 минг киловатт қувватли «Почерада-1» иссиқлик электро станциясини қуриб битказдилар. Станцияда ҳар бири 200 минг киловатт қувватли йирик блоклар ўрнатилган. СУРАТДА: станция агрегати монтаж қилинмоқда.


ЧТК—ТАСС фотоси.

ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ДЕҲЛИ. ТАСС мухбири С. Алмазов хабар беради: Тошкентда ўтказиладиган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг V халқаро кинофестивалида Ҳиндистон кинематографияси кенг кўламда қатнашади. Фестивалда кўрсатиш учун танлаб олинган 25 фильмдан энг яхши киноленталар Ҳиндистон кинематографиячиларники д и р. Таниқли режиссер Гулзорнинг «Китоб» фильми фестиваль қатнашчиларининг шўҳсиз қизиқишига сазовор бўлади. Бундан атиги бир неча ойгина илгари Ҳиндистон экранларига чиққан бу кинокартинада ёш авлодни тарбиялашнинг кескин социал проблемалари тўғрисида гап боради. С. Рэйнинг «Шахматчилар» ва Ш. Бенигалнинг «Роль» фильмлари ҳам кўрсатилади.

Тошкент кино анжуманида Ҳиндистон информация ва радиоэшиттириш министрлиги ҳузуридаги халқаро кинофестивалларни директоратининг раҳбари В. С. Катар бошчилигидаги кинематографчилар делегацияси Ҳиндистон номидан қатнашади. Ҳиндистоннинг М. Сен, П. Рао, Ш. Бенигал каби режиссёрлари ҳамда Шаши ва Риши Капур, Викьян Синҳ, Шабан Азми, Аш Сачдев каби актёрларининг келишлари кутилмоқда.

Ҳиндистонда Тошкент кинофестивалига қизиқиш катта. Унга Ҳиндистон киносининг ижодкор ходимларигина эмас, шу билан бирга мамлакатнинг кинопрокат соҳаси билан алоқадор кишилари ҳам тайёргарлик кўрмоқдалар.



АФҒОНИСТОН СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ҚОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикаси революцион кенгашининг Раиси, Бош министри Нурмуҳаммад Тараки Қобул радиоси орқали сўзлаган нутқида бундай деди: тинч-тотув яшаш принциплари асосида блокларга қўшилмаслик, позитив ва актив бетарафликдан иборат мустақил тинчликсевар сиёсатни амалга ошириш, региондаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, шимолдаги улуғ қўшнимиз — Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва ҳар томонлама кенгайтириш — ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишларидир.

Биз деди у, халқаро тинчликни сақлаш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, ўзгаларнинг территорияларидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатиш учун, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун курашамиз. Янги ҳукумат Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги миллий озодлик ҳаракатларини ҳам қўллаб-қувватлайди. Биз араб халқларининг Исроил томонидан босиб олинган барча территорияларини озод қилиш йўлидаги кураши билан бирдаммиз ва Фаластин араб халқининг адолатли талабларини, шу жумладан, унинг мустақил Фаластин Давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаймиз.

Н. Тараки айтдики, мамлакатнинг территориал бутунлигини, миллий суверенитети ва мустақиллигини таъминлаш, апрель революцияси ғалабаларини қатъий ҳимоя қилиш, барча миллий, тараққийпарвар ва ватанпарвар кучларнинг ҳақиқий бирлигига эришиш — Афғонистон Демократик Республикасининг биринчи навбатдаги вазифасидир.

Бош министр мамлакатнинг иқтисодий аҳволига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: иқтисодий қолоқликни тугатиш, мустақил миллий экономикани вужудга келтириш, мамлакатни индустрлаштириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш зарур. Бунинг учун меҳнаткаш деҳқонларнинг манфаатларини кўзлаб, демократик ер ислоҳотини ўтказиш, қўрқ ерларни ўзлаштириш, феодал ва феодализмгача бўлган мусобатларни тугатиш, экономикада илмий планлаштириш ва табиий бойликлар устидан самарали назорат ўрнатиш йўли билан давлат секторини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва миллий масалани адолатли тарзда ҳал этиш, янги мустамлакачилик, империализмнинг таъсирини ва экономика, маданият ҳамда идеологиянинг турли соҳаларида унга қарамликни тугатиш зарур.

Сўнгра бош министр давлат аппаратини контрреволюцион антидемократик унсурлардан тозалашга, Афғонистон Демократик Республикасининг миллий озодлик армиясини мустаҳкамлашга, ватанпарварлик кайфиятдаги солдат ва офицерларнинг тўлиқ ва адолатли ҳуқуқларини, аввало мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг кенг иштирок этишларини таъминлашга даъват этди.

Н. Тараки давлат бюджетларининг даромад ва харажат қисмларини тубдан қайта кўриб чиқиб, саноат, маориф ва соғлиқни сақлаш ишларига ажратиб бериладиган маблағлар миқдорини кўпайтиришга даъват этди.

Тараки сўзининг охирида бундай деди: «Революцион кенгаш ва ҳукумат буюк ва муҳим тарихий вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олган ҳозирги пайтда биз бутун халқка мурожаат қилиб, афғон халқи миллий революциясининг узил-кесил галабасини таъминлаш учун Афғонистон халқ демократик партиясининг раҳбарлигида барча демократик ва тараққийпарвар кучлар бирлиги ҳамда иттифоқи байроғи остида ўз сафларини жипслаштиришга чақирамиз».



Суратда: кўргазма залида. А. Абалян фотоси.

БОЛГАР ДЎСТЛАРИМИЗ КЎРГАЗМАСИ

Болгария Халқ Республикасининг «Фармахим» давлат хўжалик бирлашмаси Тошкентда Болгария дори-дармонлари ва парфюмерия-косметика буюмлари кўргазмасини очди.

Қардош мамлакат дори-дармонларининг ансамбляти «Фармахим» белгиси билан чиқади. Болгарияда химиянинг бу тармоғи жадал суръатлар билан ривожланяпти. Химия-фармацевтика корхоналарининг маҳсулотлари кўплаб миқдорда чет элларга экспорт қилинмоқда. Ҳозир Болгарияда тайёрланган дори-дармонларни жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакати сотиб олмоқда. Улар қанчадан-қанча беморлар дардига шифо бўлмоқда. Қардош мамлакат химик-доришунослари 3 минг хилдан ортиқ номда маҳсулот тайёрламоқдалар. Бу дори-дармонларнинг энг янгилари ва беморларни даволашда яхши самара бераётганларидан 300 хилга яқини Тошкентга олиб келинди.

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ташкил қилинган экспозицияда ана шу дори-дармонлар билан танишиш мумкин. Қардошларимизнинг химия-фармацевтика саноатида эришаётган ютуқлари ҳақида кўргазмани очиш олдидан бўлган матбуот конференциясида Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги савдо вакиллиги ходими ўртоқ Радослав Рахнев журналистларга гапириб берди.

— Ҳар хил антибиотиклар, чорвачиликда ишлатиладиган аминокислоталар, эфир мойлари ишлаб чиқаришда Болгария жаҳонда ва Европада олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди, — деди у.

— «Фармахим» бирлашмаси маҳсулотлари кўпгина беморлар томонидан мамнунлик билан сотиб олинади. Масалан, турли ошқозон касалликларини даволашда муваффақиятли қўлланилаётган «Алмагель» препаратини олайлик. Уни ошқозон ширраси ортиб кетган, ўн иккидармоқли ичаги хасталанган, юқумли ва заҳарли ошқозон—ичак касалликларидан қийналаётган кишиларга тавсия этамиз, — дейди. Софиядаги химия-фармацевтика илмий-тадқиқот институтининг лабораторияси мудири, врач Иордан Иорданов.

Болгариянинг «Арома» давлат корхонаси тайёрлаётган юқори сифатли косметика препаратлари жаҳон бозорида жуда харидгир. «Арома» мижозларга терини парвариш қилиш учун, сочга ишлатиш учун хилма-хил воситалар тайёрлайди. Бу корхонада эркаклар, аёллар, болалар учун алоҳида-алоҳида тиш пасталари, шампунлар, кремлар ишлаб чиқарилади. «Арома» корхонасида тайёрланаётган маҳсулотлар Болгарияда ўтказилган ҳамда халқаро кўргазмаларда 14 та олтин ва 4 та кумуш медалларга сазовор бўлган.

Болгария химия-фармацевтика ходимларининг халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда. Улар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари доирасида ўз маҳсулотларини социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига тобора кўпроқ етказиб бермоқдалар. Шу жумладан Ўзбекистон химиклари билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатишган. Дўст мамлакатга Тошкент химия фармацевтика заводидан беш хил дори-дармон юбориб турилибди. Айни чоқда «Фармахим» бизнинг республикага 17 хил дори-дармон сотади.

Тошкентда ташкил қилинган кўргазма «Ҳозирги социалистик жамиятда ҳамма нарса инсон соғлиғи ва гўзаллиги учун!» деган шиор остида ўтказилмоқда. У 16 майгача давом этади.

С. МУСАЕВ.

ТУРИСТЛАРГА МАНЗУР

АВТОБУСДА... МОСКВА—ЛОНДОН—МОСКВА БЎЙЛАБ

Шу йил июнь ойидан бошлаб «Совтрансавто» бутуниттифоқ бирлашмаси Англиянинг «Уоллес Арнолд турз лимитед» фирмаси билан ҳамкорликда биринчи марта Москва — Лондон — Москва автобус маршрути қатновини йўлга қўяди. Кондицион ҳаво қурилмалар, қаҳвахонаси ва бошқа қулайликларга эга бўлган юмшоқ ўринли автобуслар туристларни уч суткадан камроқ вақт ичида Москвадан Лондонга етказиб қўяди. Ҳар куни доимий қатнайдиган бу маршрут СССР, Польша, ГДР, ГФР, Бельгия, Франция ва Буюк Британия шаҳарлари бўйлаб ўтади.

Автобусда сайр этишнинг қандай қулай ва афзалликлари бор? Бундай қараганда автотранспорт авиацияга вақт жиҳатдан, темир йўл транспортига эса қулайлиги жиҳатидан ютқазади. Бироқ авиациянинг кимкони борича тезроқ элтиш» шиори пассажирларни йўл таассуротларидан маҳрум этади, автобусларга қараганда анча қулай бўлган поездлар эса темирйўл изларига тобе бўлиб йўналишда ҳаракат қилади.

Халқаро автобус линияларида қатнайдиган пассажирлар машиналардан тушмай турибоқ, шаҳар бўйлаб экскурсиялар уюштиришлари, унинг диққатга сазовор жойларини тамоша қилгач тўппа тўғри меҳмонхонага бориб дам олишлари мумкин.

Англиянинг 800 туристик фирмалари ва ташкилотлари «Совтрансавтоэга мурожаат қилиб Лондон—Москва маршрутига сотиладиган билетлар учун буюртмаларини ҳисобга олишларини илтимос қилишди. Уларнинг бу қизиқишлари тушунарли: инглиз туристлари автобусларда сайр қилишни севишади, бу ҳол туристлар ўртасида оммавий анъанага айланиб қолган, уларнинг Совет Иттифоқига қизиқишларн ҳам тобора ортиб боряпти. Яна масаланинг моддий томони ҳам бор. Лондон—Москва авиабилети автобус билетига қараганда уч марта қиммат туради. Камида 15 туристларни жамлаган группага, шунингдек болалар ва студентларга билетлар 50 процент арзонлаштирилиб сотилади.

«Совтрансавто» эмблемаси туширилган автобус Лондондан эрталаб соат 9 да йўлга чиқиб, эртаси кун соат 15 да Польша Халқ Республикаси пойтахти — Варшавага етиб келади. Туристлар бу ерда шаҳар билан танишадилар, сўнгра отелда тунаб (меҳмонхонада дам олиш ҳақи ҳам билет нархига кирган) эртаси кун Москвага қараб йўл оладилар. Пойтахтга етиб келгунча Совет Иттифоқи шаҳарларининг бирида ҳам тўхтаб ўтиш мўлжалланган. Шундай қилиб туристлар тушган автобус 3 суткага қолмай Москвага етиб келади.

Май ойида Москва—Лондон—Москва бўйлаб синов рейслари йўлга чиқади. Автобусларни малакали ҳамда инглиз тилини билган шоферлар бошқаришади.

Совет Иттифоқи билан Буюк Британия оралиғида бундай автобуслар аввалига ҳар куни қатнаб туради. 1980 йилга бориб Москва—80 Олимпиадасига келадиган туристлар сони ортгач қўшимча рейслар очилади. Бу қулайлик туфайли спорт мухлислари йирик мусобақаларни кўриш билан бирга кўпгина шаҳарларга сайёҳат қилиш имконига эга бўладилар.

АПН.

Реклама ва эълонлар

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13, 14 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

«ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ФЕСТИВАЛИ, БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР КЎРИГИ — КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ, БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Дилафруз ЖАББОРОВА

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

Вилоят ОҚИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Дилбар ФАЁЗОВА

Солистлар: Ғуломжон ЕҚУБОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Хавасхон ИСКАНДАРОВА, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, ака-ука Элмурод ва Ҳолмурод ИСЛОМОВлар, Дилором ҚАЮМОВА, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Зуҳра ҚОДИРОВА, Абдурашид МУСТАФОҚУЛОВ ва бошқалар.

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — композитор Мирҳалил МАҲМУДОВ.

Мусиқа раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Сайфиддин ИЎЛДОШЕВ.

Бош балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Акбар МУМИНОВ.

Бош хормейстер — Султон УМАРОВ.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

20 МАЙГАЧА

ҲАР КУНИ СОАТ 18.30 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ВАДИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ, ЎЗБЕКИСТОН ДОРБОЗЛАР КЎРИГИНИНГ ҒОЛИБИ

ЎЗБЕК ПАҲЛАВОНИ Жўрахўжа НОРХЎЖАЕВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ДОРБОЗЛАРИНИНГ

КАТТА ДОР ЎЙИНЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

Катта дор, кичик дор, дор устида мураккаб дор ўйинлари, дор остида ёғоч оёқ, от ва масхарабозлик ўйинлари, турли оригинал ўйинлар.

ЎЗБЕК ПАҲЛАВОНИ Жўрахўжа НОРХЎЖАЕВнинг ОҒИР ВАЗНЛИ ТОШ ЎЙИНЛАРИ.

ДОР ЎЙИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

КЎЗЛАРИ ЙЎЛДА, ҚЎЛЛАРИ РУЛДА

Ғойиб ака рулга ўтирганидан буён босиб ўтган йўлини ҳисоблайдиган бўлсак, Ер куррасини айланиб чиққандан кўра кўпроқ масофа босганлигининг гувоҳи бўламиз. Ғ. Қуронов мана чорак асрдирки, қадрдон «Победа» колхозида шофёр бўлиб ишлаб келяпти. У хўжаликнинг деярли барча юмушларини бажаришда фаол қатнашиб келмоқда. Мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили, эҳтиёт қисмлар, ўғитлар, чорва маҳсулотларини элтишда ҳамкасбларига ўрнак бўляпти.

— Темир отинг доимо эгарлоғлиқ бўлиши учун техника қаровига эътибор бериб туриш керак. Айниқса, узоқ манзилга йўл олаётганда бу ишни ниҳоятда синчковлик билан ўтказиш керак. Умуман, машинани техник қаровсиз йўлга олиб чиқиш ярамайди,— дейди кекса шофёр.— Айрим ёшларимиз техникани яхши кўришади-ю, уни вақти-вақти билан назорат қилиб туришмайди. Натижада кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши мумкин.

Ғ. Қуронов ўз шогирдлари А. Умматов, А. Кўчимов, Р. Йўлдошев ва бошқаларга тажрибасини ўргатар экан, энг аввало машина техник қаровига муттасил эътибор бериб туриш лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Колхоз автогараж мудири Мамасоли Ҳасанов кекса шофёр Ғойиб ака ҳақида самимий гапларни айтди.

З. ЮСУПОВ,





М. Горький номидаги Ўзбек Давлат академик рус драма театрида яқинда Бертольд Брехтнинг «Уч мирилик опера» пьесаси асосида режиссёр О. А. Чернов саҳналаштирган спектакль премьераси бўлиб ўтди. Суратларда: [чапда] спектаклдан бир кўриниш, [ўнгда] Маххит ролида артист В. Павленко.

С. Маҳкамов фотолари.

СПОРТ

ПЕШҚАДАМНИ ҚУВИБ

Хоккей бўйича жаҳон чемпионатида СССР терма командаси Канада хоккейчилари билан иккинчи марта учрашди.

Бу матч ниҳоятда эҳтиёткорлик билан бошланди. Океан ортидан келган хоккейчилар илгариги мағлубиятларидан сўнг тактиканн асосан мудофаа асосига қуришга қарор қилганликлари сезилиб турарди. Фақат иккинчи бўлимдагина совет хоккейчилари аста-секин ташаббусни ўз қўлларига олдилар. 26 минутда Капустин рақиб дарвозасининг мўлжалга олди. Орадан кўп ўтмай, Жлуктов ҳисобни 2:0 га етказди. Шундан сўнг Голиков, Фетисов, Мальцевлар ҳам Канада терма командаси дарвозасига шайба киритдилар. Рақиблар эса бунга биттагина шайба билан жавоб бердилар. Ўйин 5:1 ҳисобида бизнинг вакилларимиз фойдасига ҳал бўлди.

Шу куни Чехословакия — Швеция терма командалари ҳам учрашдилар. Майдон эгалари 6:1 ҳисобида устун келишди. Чемпионатда чехословакияликлар пешқадамлик қилишяпти. СССР терма командаси эса иккинчи ўринни эгалламоқда.

БОКСЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИДА

Югославия пойтахтида бокс бўйича иккинчи жаҳон чемпионати давом этмоқда. Маълумки, СССР терма командаси вакили оғир вазнли И. Висоцкий Франция боксчисига ютқазиб қўйган эди. Саралаш «жанг»ларида республикамиз вакили Феликс Пакнинг ҳам омади юришмади.

Боксчимиз навбатдаги учрашувда Жанубий Корея вакили Кинг Чун Чул билан рингга чиқди. Бу «жанг»да К. Чун Чул ташаббускорлик билан ҳаракат қилиб ғалабага эришди.

ВЕЛОПОЙГАЧИЛАР МУСОБАҚАЛАРИ

Берлинда жаҳон велосипед пойгасига старт берилди. Мусобақаларда энг кучли командалар иштирок этишмоқда.

Минскдаги халқаро велосипед пойгасида эса Венгрия, ГФР, Куба синтари мамлакатларнинг вакиллари қатнашдилар. 14 та оралиқ марралн 29 та даврадан иборат критериум пойгасида Ўзбекистон спортчиси Ш. Загретдинов муваффақият қозонди. У кескин курашда иккинчи ўринни эгалладн.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

ЎТНИКИ ЎТГА, СУВНИКИ СУВГА...

ФЕЛЬЕТОН

Ножўя иш, ножўя ҳаттиҳаракат, юлғичлик қандай оқибатларга олиб келишини ҳатто ёш бола ҳам билади. Бунга ким-ким Шаҳоб Шокирхўжаев ярим асрлик ҳаётида кўп марта иқрор бўлган. Иқрор бўлишга бўлган-у, лекин виждон сўзига қулоқ солмаган. Боши бир эмас, бирнеча марта «тақ» этиб деворга тегди, йиллаб ўз таъбирига кўра «туз-насибаси» қўшилган жойларда «насибасини» териб еди.

— Ҳом сут эмган бандамиз-да,— ўзини ўзи қойиган бўлиб, кўзига ёш олди.— Шайтон йўлдан урди, шайтоннинг сўзига кириб яна йўлдан адашдим...

Шу пайт аллақаердан бегона овоз эшитилди-ю, Шаҳобнинг фикри бўлинди:

— Нималар деб валдираяпсан, қилғиликни ўзинг қилиб, тухмат тошини нега менга отасан. Ҳатто фирибгарликда етти ухлаб тушимга кирмаган усулларни «ижод» этган сенми ёки мен? Қалбаки ҳужжат тўғрилаб, гўшт категориясини ўзгартириб машинага ортгирган, бир оғиз «куф-суф» билан омбор мудири-ю ходимининг кўзини боғлаб қўйган сенми ёки мен?..

Шокирхўжаев ярасн янгилангандек, ингради юборди. «Лаънати қўй гўшти. Сувни лойқаган ўша гўшт, ўша Раҳмонберди бўлмаганда, бунчалик иш чувалашмаган, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолган бўларди. Буёғи янги қуда-андалар олдида шармандаю шармисор бўлмасмидим».

Ҳа. Шаҳоб алаҳсираётгани йўқ. Ном чиқарарга маҳаллага ош бермоқчи, ўғил уйлантирмоқчи эди. Энди ҳамма-ҳаммаси чиппакка чиқди. подвалдаги яшчик-яшчик ароқлар-у арман коньякларини ким ичади?

КАЛАВАНИНГ УЧИ

Март ойининг ўрталарида 43—99 ТНМ автолавкаси қишлоқ қурилиш министрлигига қарашли 6—ОРСнинг биринчи магазини ёнида бир зум тўхтади-да, Қўктерак посёлкаси томон йўл олди. Кеч кириб қолган, кўча-куйларда ҳаракат сийраклашган. Ҳайдовчи Имом Исмоновнинг ҳам кайфияти жойида, йўл-йўлакай 517 килограмм гўшт Шайхантовурдаги ошхонага туширилди.

Бригадир ошпаз Раҳмонберди Абдусаматов кўпни кўрган, тухум туғмайдиган товуққа беҳуда дон сочмайдиган одам эмасми, бундай ўйлаб қараса дурустгина фойда кўради. Ҳужжат-пужжатни суриштирмай гўштни лодильникдан ғизиллаганча чиқиб кетди.

— Қўктерак беҳавотир, қолган гўштни ўша ерда «тинчитиб» кел,— деди Шаҳоб кабинадан тушиб, ўринни ўгли — шу магазин сотувчиси Сирожиддинга бўшатаржаа.— Қўтарганига сотавер, оёғингни тираб олма. Бувижонникига битта қўй ташлаб ўтишни унутма.

Отадан «оқ фотиҳа» олган Сирожиддин 3,5 сўмдан ким ошди савдосини қизиниб юборди.

— Ўғлим, маъракамиз бор, гўшт керак эди,— юзшокирхўжаев яна қандай қилиб 6-ОРС дан паноҳ тобди, топганда ҳам йирик биринчи магазинга мудир қилиб тайинланди, масаланинг бу томони бизга қоронғу. Тегишли ташкилотлар бу ҳақда бош қотиришар.

Аралаш моллар билан савдо қилувчи ушбу магазинга қай вақт кирманг, доимо харидорлар билан гавжум бўлади. Борди-ю спиртли ичимликларга эҳтиёж туғилса магазинма магазин айланиб вақтни бехуда ўтказманг, шу ерга келавериб, чапдаст сотувчилар дарҳол «ҳожатингизни» чиқаришади. Сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи бўлим ҳам бундан мустасно эмас.

Асом Алиев, Рисолат Исмоилова каби уста кўрган шогирдлар «Экстра» дейсизми, арман коньяги дейсизми бир зумда «есть» қилишади. Шунинг учун ҳам мудир аввало ана шундай моллариинг кетини узмайди. Борди-ю вино заводидан олишнинг иложи бўлмаса, афсусланмайди —ошна-оғайнилар «ёрдамлашиб» юборишади. Бирон марта Озода Маҳмудова унинг райини қайтармаган. Оржоникидзе районида жойлашган магазин омборхонаси донмо Шаҳоб учун очиқ. Ўн ящикми, йигирматами, олиб кетаверади.

— План деб ўзимизни ўққа, чўққа урардик. Кези келганда ҳужжат ҳам расмийлаштирмасдик. Арақ, винолар сотиб бўлингач, пулини жойига қўйиб қўярдик. У магазинга ҳам, бунисига ҳам зарар етмасди, — дейди Шокирхўжаев қилмишини хаспўшлаб. — Тафтиш вақтида ортиқча чиққан 8633 шиша «Экстра» ана шунинг оқибатидир.

Планни ниқоб қилиб, харидорларни чўмичда қоқиш учун ўйлаб топилган янгича усул эмасмикин бу?

Далилларга мурожаат этамиз.

— Биз одатда рўзғорга керак маҳсулотларни шу магазиндан харид қиламиз, — дейди темир-бетон маҳсулотлари заводи қозон цехининг бошлиғи Ян Федосеев. — Яқинда Асомдан икки шиша арман коньяги олгандим. Баҳоси 7 сўм 52 тийин экан. Ҳар шишасига 10 сўмдан тўладим.

— Мен ҳам. — қўшимча қилади 56-автобаза ишчиси Светлана Устименко. — Булардан ташқари оёқ кийимлари ҳам олиб турамиз. Албатта, устидаги ҳаражат «ҳаққи»ни тўлаб. Масалан 50 сўмлик эркаклар туфлисини 70 сўмдан, уч жуфт аёллар этигини 100 сўмдан олдим Дилором Муллажоновадан. Дилоромнинг ўзи «устига беш-олти сўм бермасанг, базадан бундай ноёб молларни олиб бўпсан» деб айтди.

Чўмичда қоқилган харидорлар рўйхатини давом эттириш мумкин.

Яқинда Шаҳоб Шокирхўжаев бошлиқ юлғичлар қўлга олинди. Қаллоблик, ҳаромхўрлик билан ортирилган мол-дунё, мудирнинг қўша-қўша «Жигули» машиналарию, кооператив уйлари мусодара қилинади.

Энди сўнгги сўзни суд органлари айтишади.

Я. САЛИМОВ,

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Олга болакайлар». 10.55 — «Китнинг тишини қандай қилиб суғуриб олиш мумкин (бадиий фильм). 12.15 — «Рус романси». 15.30 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Концерт. 17.00 — Шахмат мактаби. 17.30 — «Москва ва москвалнклар». 18.00 — «Горнчилар, қаердасиз?». 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Жаҳон халқларининг ижоди. 19.10 — «Фан оламида». 19.40 — «Граф Люксембург» (музикали спектакль). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Хоккей. Финал группа қатнашчиларининг учрашуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Биологня. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.30 — «Май қувончлари». 18.00 — Мультфильм. 18.15 — «Ёшлик». 18.45 — Адабий кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Базал оқшоми». 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 — «Чорвадор». 22.15 — V Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан (иккинчи кўрсатув).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00—«Ўн уч терак кўчаси» (бадиий фильм). 20.15 — Янгиликлар. 20.35 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.05 — «Тошкент ва тошкентликлар». 21.30 — Ўқув кўрсатуви.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12|V да Афсоналар водийси, 13|V да Пиковая дама (билетлар сотилган), 14|V да Этик кийган мушук (12.00, билетлар сотилган), Спартак (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12|V да Оқшомдан тушгача, 13|V да Ганг дарёсининг қизи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12|V да Ўжарлар, 13|V да Она қизим, 14|V да Шаҳзода ва етим қиз (12.00), Кулги кечаси, 15|V да Кулги кечаси.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Катта пойга (катта зал, кундуз ва кечқурун)

Тандир — «ДРУЖБА» (11, 14, 17, 20.00), ҲАМЗА НОМЛИ (11, 14, 17, 20.00), «МИР» (11, 14, 17.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қамал — «ЧАЙКА» (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

Шаҳарни асранг — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ (жуфт соатларда).

Ниноҳ эълони бўйича тамишув—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Қамал — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Тандир — «ХИВА» (20.30).

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

24 МАЙ КУНИ СОАТ 14.00 ДА мактаб ўқувчилари учун

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»НИ УТКАЗАДИ.

Институт адреси: Кафанов кўчаси, 35-уй (8, 9, 10, 24-трамвайлар, 9-автобуснинг «Кафанов кўчаси» бекати).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг коллективи гараж мудири О. Ш. Юнусметовга сингли-си

Насиба ОДИЛХОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 | Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 06455. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг, Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д—2405.